



СУВ МЕНЕЖМЕНТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Ахмедов Сайфулло Норматович,

и.ф.д., Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Фундаментал иқтисодиёт”

кафедраси профессори

Ташкент, Ўзбекистон

METHODOLOGICAL ASPECTS OF INCREASING THE EFFICIENCY OF WATER MANAGEMENT

Akhmedov Sayfulllo Normatovich,

Ph.D., Professor of the “Fundamental Economics” department of the Tashkent State

University of Economics

Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: L9, L95

Аннотация. Мазкур мақолада сув ресурслари ва уларни бошқаришига нисбатан илмий-назарий ёндашувлар, сув ресурсларидан самарали фойдаланишини иқтисодий бошқаршигининг зарурияти ва аҳамияти очиб берилган, Ўзбекистонда сув ва табиат ресурсларидан фойдаланишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари тадқиқ этилган.

Abstract. In this article, scientific-theoretical approaches to water resources and their management, necessity and importance of economic management of effective use of water resources are revealed, legal and regulatory bases of water and natural resources use in Uzbekistan are researched.

Калим сўзлар: сув, худудлар, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши, самарадорлик, самарадорлигини аниқлаши услуги.

Keywords: water, water resources, rational use of water resources, efficiency, method of determining efficiency.

Кириш. Жаҳон аҳолиси тез ўсиб бориши натижасида 2030 йилга бориб

талаб ва мавжуд сув таъминоти ўртасидаги 40% тақчилликка дуч келиши, 2050 йилга бориб 10 миллиард одамни озиқлантириш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини 50 фоизга ошириш (бу бугунги кунда ресурснинг 70 фоизини истеъмол қиласи) ва сув олиш ҳажмини 15 фоизга оширишни талаб қилиши башорат қилинмоқда. Дунё аҳолисининг 40% дан ортиғи сув танқис бўлган худудлarda яшайди ва дунё ялпи ички маҳсулотининг таҳминан $\frac{1}{4}$ қисми бу муаммога дуч келиши, 2040 йилга келиб, ҳар тўрт боладан бири ҳаддан ташқари сув танқислиги бўлган худудлarda яшashi кутилмоқда. Сув ресурслари билан таъминлаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши бошқариш бугунги кунда кўплаб мамлакатлар учун катта ва тез-тез ўсиб бораётган муаммодир. Бундан ташқари, сурункали сув танқислиги, гидрологик ноаниқлик ва экстремал об-ҳаво ҳодисалари (сув тошқини ва курғоқчилик) глобал фаровонлик ва барқарорлик учун энг катта таҳдидлардан бири сифатида қабул қилинади.

Жаҳонда ер юзидағи барча суюқ чучук сувларнинг қарийб 99 фоизини ташкил этувчи ер ости сувлари жамиятларга улкан ижтимоий, иқтисодий ва экологик манфаатлар ва имкониятларни тақдим этиш салоҳиятига эга. Ер ости сувлари дунё аҳолиси томонидан майший эҳтиёж учун олинадиган сув ҳажмининг ярмини, шу жумладан, сувни давлат ёки хусусий таъминот тизимлари орқали ўзларига этказиб олмайдиган қишлоқ аҳолисининг катта қисми учун ичимлик суви билан таъминлайди ва тахминан 25% сугориш учун олинган барча сувлардан фойдаланилади. Ер ости сувлари қашшоқликка қарши курашда, озиқ-овқат ва сув хавфсизлигини таъминлашда, муносиб иш ўринларини яратишда, глобал иқлим ўзгариши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, жамият ва иқтисодиётларнинг иқлим ўзгаришига чидамлилигини таъминлаш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни иқтисодий бошқариш тизимида бир қатор жиддий муаммолар мавжуд. Улардан бири иқлим исииши, аҳоли томонидан сувдан оқилона фойдаланиш даражаси етарли даражада эмаслиги, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини унчалик юқори эмаслиги билан тавсифланади, бу эса сувдан фойдаланиш бўйича бир қатор амалий муаммоларни келтириб чиқаради. Муаммоларнинг яна бир гурухи, суув етказиб бериш таннархи ва юридик ҳада жисмоний шахсларга етказиб берилаётган сув ресурсларининг нарх тизими бозор механизмига тўлиқ амал қилмаслиги билан боғлиқ.

Табиийки, бутун дунё сингари Марказий Осиёда ҳам тобора долзарб тус олиб бораётган сув муаммосига

Ўзбекистон ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Мамлакатимиз 2007 йилда БМТ нинг “Трансче-гаравий сув оқимлари ва ҳалқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги (17.03.1992й. Хельсинки) ҳамда “Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш хуқуқи тўғрисида”ги Конвенцияларига (21.05.1997й. Нью-Йорк) аъзо бўлди.

Бу хужжатларда барча давлатлар манфаатлари бирдай эътиборга олинган. Уларнинг асосий тамойилларидан бири трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланиш ҳамда кўшни давлатларга зарап етказмаслиkdir. 1966 йилги Халқаро дарё сувла-ридан фойдаланишнинг норматив қоидалари ва 1992 йилги Чегара-лараро сув оқимлари ва давлатлараро дарёлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш конвенцияси ҳам айни йўналишдаги муҳим хужжатлар сирасига киради. Бундан ташқари, республикамизда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Конун ҳам қабул қилинганди.

Баъзи кишиларга чучук сув масаласи унчалик катта муаммо ёки инсоният учун хавфли бўлиб кўринмаслиги мумкин. Лекин сўнгги пайтларда мамлакатимиз обиҳаёт танқислиги сув манбаларининг куриши ва ифлосланиши билан боғлиқ айrim муаммоларга дуч келмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда бундай муаммоларнинг келиб чиқишига сув қимматбаҳо ресурс эканлигини тан олмаслик сабаб бўлмоқда.

Материал ва метод. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий марказлари ва нуфузли ҳалқаро аграр ташкилотлари, жумладан, Сув ресурсларидни бошқариш ҳалқаро институти (IWMI), UNIDO, Осиё сув

Кенгаши (ABC), Женева сув маркази, Global Water Partnership, Ирригация ва дренаж бўйича ҳалқаро комиссия (ICID), Бассейн ташкилотларининг ҳалқаро тармоғи, Ҳалқаро сув ресурслари уюшмаси, Стокгольм ҳалқаро сув институти (SIWI), University of Minnesota (АҚШ), Swansea University, University of Cambridge, University of Nottingham, Nottingham Trent University, University of Greenwich, The University of Sheffield (Буюк Британия), HEC Montreal (Канада), University of Southern Queensland, Griffith University (Австралия), Jiangnan University, Chengdu University (Хитой), Lund University (Швеция), University of Hong Kong (Гонконг), Delft University of Technology (Нидерландия), Universiti Sains Malaysia (Малайзия), Institute of Management Technology (Хиндистон), Allameh Tabataba'i University (Эрон), Universidade Federal de Uberlândia (Бразилия), King Abdulaziz University (Саудия Арабистони), Тошкент давлат иқтисодиёт универсиети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот универсиети, Тошкент аграр универсиети (Ўзбекистон) сингари олий ўкув юртлари томонидан амалга оширилмоқда.

Дунёда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини тадқиқ этилган, қишлоқ хўжалигининг сув ресурсларига булган эҳтиёжлари ва таклифларини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини баҳолаш жараёнида бошқарув карорлари кабул килиш тизими яратилган; жаҳонда сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини юритиш ҳамда бошқаришни ташкил этилган; сувдан фойдаланишнинг меъёрий-хукукий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар

ишлиб чикилган; сув ресурсларини интеграциялашган бошқаришнинг мезонлари ҳамда уни жорий этиш самарадорлиги бўйича ишланмалар тайёрланган; сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг узок ва урта муддагга мулжалланган прогноз вариантлари ишлиб чикилган.

Рус олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда асосий эътибор худудларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қара-тилган тадқиқотларга аҳамият кенг қаратилган. Жуладан, В.Фомина [1] тадқиқотларида Россиянинг Шимолий-Ғарбий Федерал округи худудларида ишлиб чиқарилган маҳсулотнинг сув сифими ва сувни йўқотишнинг ўзига хос кўрсаткичлари бўйича сувдан фойдаланиш хусусиятлари аниқланган. Мазкур мақолада худудларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш орқали сув ресурсларини тежамкорлигига эришишнинг худудий страте-гияси таклиф этилган. Ундаги асосий кўрсаткичлари сифатида қуидагилар таҳлил қили-нади: (ишлиб чиқаришда чучук ва қайта ишланган сувдан фойдаланиш даражаси, майний ва ичимлик эҳтиёжлари учун сувнинг солишишторма истеъмоли, сув йўқотишлари, оқава сувлар микдори ва ифлосланиш даражаси бўйича уларнинг таркиби ва бошқалар).

Ж.Т. Сивоҳип, В.М. Павлейчик [2] тадқиқотлари эса сув ресурслари ҳолатини баҳолаш сув ресурслари ҳажмини фойдаланилаётган сув ҳажми, вилоят майдони ва аҳоли сони билан тақослаш асосида амалга оширилган. Ҳақиқий сув таъминотини хисоблашда йилнинг қурғоқ-чилик давридаги ўртача йиллик сув ресурслари, қайтариб бўлмайдиган сув истеъмоли ва аҳоли сонининг нисбати асосида аниқланган.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам сув ресурсларидан оқилоно фойдала-ниш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумла-дан, сувдан фойдаланиш бўйича оптимал қарорлар қабул қилиш учун дастурий таъминотни ишлаб чиқишнинг янги назарий асослари Султонов А.О. [3] тадқиқотларида ишлаб чиқилган. Кутлимуродов У. М. [4] тадқиқотларида эса истеъмолчилар томонидан энергия тежовчи технологияларни жорий этишини қўллаб-кувватлаш учун фойдаланаётган сув-нинг аниқ хисобини юритиш бўйича методологик ёндашувлар таклиф этилган.

Натижалар. Ўзбекистонда фойдаланиладиган сув ресурсларининг асосий манба-лари Амударё ва Сирдарё ҳавзаси ҳисобланади. Ўзбекистон томонидан истеъмол қилинадиган сув ресурсларининг умумий ҳажмидан 80 фоиз-дан кўпроғи қўшни мамлакатлар худудида шаклланади.

1980 йилларда республиканинг йиллик сув истеъмоли қўп йиллик лимит доирасида бўлиб, сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, шунингдек, трансчегарашиб сувдан фойдаланиш муаммолари туфайли фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 51 — 53 млрд. куб метрни, жумладан, 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер остидан фойдаланиб, охирги 30 йилда 20 фоиздан кўпроқка қисқарган.

Республикада суғориладиган ер майдони 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, жами сув ресурсларининг ўртача 90-91 фоизи қишлоқ хўжа-лигига, 4,5 фоизи, коммунал-маиший хўжалик соҳасида, 1,4 фоизи саноатда, 1,2 фоизи балиқчиликда, 0,5 фоизи иссиқлик энергети-касида, 1 фоизи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фойдала-нилган.

Мухокама. Куйидагилар юзага

келган аҳволнинг асосий ва билвосита сабаб-лари ҳисобланади:

1. Сув ресурслари захираси ҳамда аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлаш масалалари:

Глобал иқлим ўзгариши натижасида Марказий Осиёда сўнгги 50-60 йил давомида музликлар майдони таҳминан 30 фоизга қисқарган. Таҳминларга кўра, ҳарорат 20°Cга ортганда музликлар ҳажми 50 фоизга, 40°Cга исиганда эса 78 фоизга камаяди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурси 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача кама-иши кутилмоқда. Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг уму-мий тақчиллиги 3 млрд. куб метрдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд. куб метрни, 2050 йилга бориб эса 15 млрд. куб метрни ташкил қилиши мумкин.

Таҳлиллар иқлим ўзгариши Ўзбекистонда сув тақчиллигини янада кескинлаштиришини, 2000, 2008, 2011, 2014 ва 2018 йиллардаги каби курсоқчиликнинг давомийлиги ва даврийлиги кўпайишига олиб келишини ҳамда иқтисодиётнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин-лигини кўрсатмоқда. Кейинги 15 йил ичиди аҳоли жон бошига сув таъминоти 3048 куб метрдан 1 589 куб метрга қисқарди.

Шу билан биргаликда, республикада аҳоли сони йилига ўртача 650—700 минг нафарга ошиб, 2030 йилга бориб 39 млн. нафарга этиши, уларнинг сифатли сувга бўлган талаби 2,3 млрд. куб метрдан 2,7—3,0 млрд. куб метрга (18—20 фоиз) этиши кутилмоқда. Бу эса коммунал соҳани йилдан йилга сувга бўлган талабини ортишига олиб келади (2020 йилги маълумот, <https://lex.uz/docs/4892953>).

2. Ер ислоҳоти ўтказиш

муддатларининг асоссиз чўзигб юбо-рилиши. Бу сув ресурсларини оқилона тақсимлаш масаласини ҳал этишга салбий таъсир кўрсатади. Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекис-тонда сув хўжалигининг зарур моддий-техника базаси яратилган, тармоқни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқукий базаси мавжуд эди. Бу йирик колхоз ва совхозларга хизмат қиласи эди. Бироқ дехқон (фермер) хўжаликлари сони кўпайиши муносабати билан бир қанча муаммолар пайдо бўлди. Боз устига ирригация-мелиоратив тармоқлардаги айрим муаммолар туфайли суғорадиган сув катта ҳажмда истроф бўлиши юз бермоқда.

3. Сўнгги йилларда иқлимнинг глобал ўзгариши натижасида кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш мақса-диди сув ресурсларини бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисботини юритиш ҳамда сув муносабатларини янада такомиллаштириш, шу-нингдек, сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш юзасидан мамла-катимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шунга қарамасдан, қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш, сув танқислиги шароитида истеъмолчилар ўртасида сув тақсимлаш, сувнинг ҳисоби ва ҳисботини юритиш ҳамда сувдан фойдаланиш самараси пастлигича қолмоқда.

Сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларга хусусий сек-торни кенг жалб қилиш мақсадида ташкил этилган сув хўжалиги мах-сус хизматлари фаолиятини такомиллаштириш талаб

етилади.

4. Сув хўжалигини малакали кадрлар билан бутлаш, илмий-тадқиқот ишлари.

Бугунги кунда сув хўжалиги ташкилотларида олий маълумотли сув хўжалиги ходимларининг улуши 42 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозирги пайтда сув хўжалиги тизимидағи мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш бўйича доимий фаолият юритувчи малака ошириш тизими мавжуд эмас. «Олий таълим-фан, ишлаб чиқариш» тизимида ўзаро интеграция бугунги талабга жавоб бермайди.

Сув хўжалиги ташкилотлари ходимларининг ўртача иш ҳақи мамлакатдаги ўртача иш ҳақига нисбатан 64% ни ташкил этиб, паст-лигича қолмоқда. Иш ҳақининг паст даражаси сув хўжалиги ходим-ларининг ижтимоий мақомини ва касбининг жозибадорлигини пасай-тириб, юқори малакали кадрларни сақлаб қолиш имконини бермаяпти (2020 йилги маълумот, <https://lex.uz/docs/4892953>).

5. Республикада барпо қилинган аксарият сув хўжалиги инфра-тузилма обьектларининг хизмат кўрсатиш муддати 50-60 йилдан ор-тиб, уларнинг техник ҳолати йилдан-йилга ёмонлашмоқда. Хусусан, ирригация тизими каналларининг 66 фоиз қисми тупроқ ўзанли бўлиб, сувнинг фильтрация ҳисобига йўқолиши юқорилигича қолмоқда. Бундан ташқари, 77 фоиз ирригация тизими каналлари таъмирлаш ва тиклашни, 20 фоиз қисми эса реконструкция қилишни талаб этади.

Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг 77 фоиз сувориш тармоғи тупроқ ўзанли бўлиб, 44 фоиз тармоқ таъмир-лаш ва тиклашга, 10 фоиз тармоқ эса реконструкция қилишга мухтоҷ.

Мавжуд лоток тармоқларининг асосий қисми 30 йилдан зиёд хизмат кўрсатиб уларни ўз вақтида таъмирлаш ишлари амалга оширилмаганлиги, шунингдек, хизмат муддатларини ўтиб кетганлиги натижасида уларнинг 70 фоизи реконструкция қилиш ва алмаштиришни талаб қиласди. Сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари эса аксарият ҳолда сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган.

Натижада ирригация тизими ва



1-расм. Ўрта Осиё сув ресурслари харитаси

Сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобидаги 1 687 та насос станцияларининг 74 фоизи 30 йилдан, 20 фоизи 20 йилдан, 6 фоизи 10 йилдан ортиқ хизмат килмоқда ёки 94 фоиз насос станциялари норматив хизмат муддатини (16—18 йил) ўтаб бўлиб, уларни модернизация қилиш ва алмаштириш, жами 2 887 км босимли қувурларнинг 10,3 фоиз қисми эса биринчи навбатда алмаштиришни талаб этиб, оқибатда уларни ишлатишда авария

сугориш тармоқларининг фой-дали иш коэффициенти ўртача 0,63, бир қатор ҳудудларда эса ундан ҳам паст бўлиб, асосий манбалардан олинадиган сувнинг 35—40 фоизи сугориш тармоқ-ларида йўқотилмоқда (2020 йилги маълумот, <https://lex.uz/docs/4892953>).

Қўйидаги 1.1 расмда Ўрта Осиё сув ресурслари харитаси келтирилиб, унда мамлакатимиз сув ресурсларини кириб келиши ва оқими тасвирланган (1.1 расм).

холатлари кўплаб кузатилмоқда, шунингдек, электр энергияси сарфи юқорилигича қолмоқда (2020 йилги маълумот, <https://lex.uz/docs/4892953>).

Сув хўжалигининг тармоқ усуулари ўтмишда хукмон бўлган ва ҳозирда ҳам ҳукмронлик қилмоқда ва ёмон бошқарувнинг айrim кўринишлари мавжуд. Сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш (IWPM) барча сувдан фойдаланувчиларнинг

виртуал тенглигини, иқтисодиёт тармоқларини мувофиқлаштиришни, шунингдек, бенефициарларнинг иштирокини, шаффоффликни ва тежамкор маҳаллий бошқарувни таъминлайди. IWPMни жорий этиш сув ресурсларини режалаштириш ва бошқаришнинг барча босқичларида ислоҳотларни амалга оширишни, ислоҳотларни амалга ошириш усуллари билан умумий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиши талаб қилади. Стратегияни амалга ошириш сув қонунчилиги ва сув хўжалиги ташкилотларини ислоҳ қилишни талаб қилади. Бу аста-секин ўзгаришлар билан узоқ давом этадиган жараён бўлиши мумкин. Кўйида жорий сув ресурсларини бошқариш тизимининг қиёсий таҳлили натижалари ва сув ресурсларини комплекс бошқаришдан кутилаётган фойда келтирилади.

Горизонтал ва вертикал бошқарув иерархияси сувни манбадан истеъмолчига этказиб беришни таъминлайди. Бу даражаларнинг ҳар бирида сув таъминотининг бекарорлигининг ўзига хос омиллари мавжуд бўлиб, улар табиати ва таъсир даражасига кўра ҳар хил бўлади. Мамлакатнинг сув ресурсларини бошқариш тизими 4 иерархик даражадан ташкил топган ҳолда оптимал тарзда ифодаланган. IWPM контекстида ушбу тузилма қуидагилардан иборат: Биринчи даража миллий бўлиб, қонун хужжатларига мувофиқ парламент, Ҳукумат, ваколатли вазирлик ва идораларни ўз ичига олади. Бу ерда Вазирлиги мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрни алоҳида эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Иккинчи даража - ҳавза даражасига Республиканинг асосий сув оқимлари (Сирдарё, Заравшон, Қаратоғ-Ширкент, Коғирниғон, Вахш ва Пянж) ҳавзаний сув хўжалиги бошқармалари киритилиши

керак. Тармоқлараро иштирок сув ҳавзаси қўмитаси шаклида бўлиши мумкин. Учинчи даражага ирригация тизимларини бошқариш ва йирик каналларни бошқариш киради. Тармоқлараро иштирок сув канали қўмиталари шаклида тақдим этилади. Тўртинчи энг паст даражадаги сув ресурсларини бошқариш бевосита турли мулкчилик шаклидаги йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва федерациялари таркибида амалга оширилиши мумкин. Стратегиянинг асосий йўналишлари ва Тожикистонда IWPM тамойилларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ижтимоий-ташкилий, таълим, ҳуқуқий, молиявий, экологик ва техник тадбирларни ўз ичига олади. [5]

Шундай қилиб, IWPM жараён бўлиб, жамиятнинг барқарор фаровонлиги ва экологик хавфсизлик манфаатлари йўлида сувдан самарали фойдаланишга ёрдам берувчи янги усуллардан биридир. IWPM тамойилларини амалиётга жорий этишнинг асосий мақсадлари қуидагилардан иборат: манфаатдор томонлар ўртасида IWPM жараёнини хабардор қилиш ва қўллаб-қувватлаш; барча даражадаги (СФУ, канал, тизим ва ҳавза) учун намунавий низомлар ва ички қоидаларни тайёрлаш; барча даражадаги ходимларни амалий тайёрлаш. Қурилиш таълим жараёни орқали потенциал; мониторинг ва баҳолаш амалга ошириш IWPM жараёни; ахборот тармоқларини яратиш, ахборот бюллетенларини тарқатиш ва бошқалар; сув таъминоти ва сув олиш иншоотларида ободонлаштириш ишлари ҳажмини баҳолаш, давлат ва нодавлат молиявий ресурсларни жалб килиш; ҳавза сув хўжалиги органлари, ирригация тизимлари, каналлар бошқаруви



органлари, федерациялар ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг чегараларини белгилаш; янги тузилмаларга ирригация хизматлари режаларини, сметалар ва хизматлар учун тўловларни тайёрлаш ва амалга оширишда техник ёрдам кўрсатиш; сувдан фойдаланувчилар билан биргаликда янги тузилмалар ва талаб қилинадиган хизматлар турларини молиялаштириш эҳтиёжларини баҳолаш; IWPМнинг асосий тамойилларини амалга ошириш бўйича комплекс тадқиқот ишларини олиб бориш.

Хулоса. Республика бўйича сугориладиган ерларнинг 45,3 фоизи турли даражада, шундан 31,1 фоизи кучсиз, 12,2 фоизи ўртача, 2 фоизи эса кучли даражада шўрланган, 24,4 фоиз майдонда эса ер ости сув сатҳи 2 м ва ундан юқорида жойлашган.

Кейинги йилларда кузатилган сув танқислиги, ерларнинг мелио-ратив ҳолатининг ёмонлиги ва бошқа ташкилий чора-тадбирлар ўз вактида кўрилмаганлиги боис 560 минг гектар сугориладиган ер майдонининг сув таъминоти даражаси паст.

Бундан ташқари, вилоятда қишлоқ хўжалиги экинлари 30 минг гектардан ортиқ унумдорлиги паст бўлган шағалли сур тусли қўнғир тупроқда етиштирилади.

Ушбу ерлар учун сув истеъмолининг юқори даражаси ва сувнинг фильтрланиши хосдир. Тупроқнинг шўрланган-лиги даражасини пасайтириш учун, айниқса, куз-киш даврида сув беришнинг чекланганлиги туфайли ниҳоллар билан чуқур ўйиклар қилинган худудлар ва катта участкалар зарар кўрган.

Мелиорацияда юзага келган ҳолатнинг бош сабаби сугориш режими ва усулларининг етарлича иқтисодий ва экологик асосланма-ганлигидадир. Шу муносабат билан юзаган келган муаммолар мелио-ратив-сув хўжалиги тармоғи ишининг самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Уларнинг ҳал этилиши эса сувдан фойдаланишини тартибга солиш бўйича тадбирларнинг давлат томонидан молиялаш-тирилиши масаласини қайта кўриб чиқиши, сугориладиган ерлар-нинг сув-туз режими устидан мониторинг олиб бориши, тармоқнинг мавжуд моддий-техника базасини модернизация қилишини ва сувни тежайдиган янги технологияларни сотиб олишни талаб қиласди. Масалан, сугориладиган ерларнинг сув-туз режими устидан мони-торинг қилиш ишлари бюджетдан минг гектарга яқин ерларнинг обо-ротга киритилиши имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Фомина Валентина Фёдоровна Эффективность использования водных ресурсов в регионах Северо-Западного федерального округа в свете Водной стратегии // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 2010. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/effektivnost-ispolzovaniya-vodnyh-resursov-v-regionah-severo-zapadnogo-federalnogo-okruga-v-svete-vodnoy-strategii> (дата обращения: 26.08.2023).

2. Сивохип Жанна Тарасовна, Павлейчик Владимир Михайлович. Современное состояние и использование водных ресурсов трансграничных рек степной зоны // ВХР. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennoe-sostoyanie-i->



использование водных ресурсов трансграничных рек степной зоны (дата обращения: 26.08.2023).

3. Султонов А. О. Применения информационных систем по использования водных ресурсов в Узбекистане //Научные исследования-основа современной инновационной системы. Международной научно-практической конференции Стерлитамак. – 2019. – С. 141-144.

4. Кутлимуровод У. М. Решения для эффективного использования водных ресурсов в регионах Республики Узбекистан //Символ науки. – 2021. – №. 3. – С. 14-17.

5. Пулатов Я.Э. Реализация принципов интегрированного управления водными ресурсами в странах Центральной Азии и Кавказа. ГВП ЦАК. -Алматы, 2004.- С.90-104.